

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ШОЛИ, ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-
ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

КАШКАБАЕВА ЧУЛПАНОЙ ТУЛКУНОВНА

**ЎТЛОҚИ-БОТҚОҚ ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ЎРТАПИШАР ШОЛИ
НАВЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНИКАСИНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ
(Тошкент вилояти мисолида)**

06.01.08 - Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Кашкабаева Чулпаной Тулкуновна

Ўтлоқи - ботқоқ тупроқ шароитида ўртапишар шоли навларини
ҳосилдорлигига етиштириш агротехникасининг таъсирини ўрганиш
(Тошкент вилояти мисолида) 3

Кашкабаева Чулпаной Тулкуновна

Изучение влияния агротехники выращивания на урожайность
среднеспелых сортов риса в условиях лугово-болотных почв (на
примере Ташкентской области)..... 21

Kashkabaeva Chulpanoy Tulkunovna

Investigation of influence of production technology on yields of medium
duration rice varieties in conditions of the meadow – boggy soil type (The
Tashkent region as an example)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ШОЛИ, ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-
ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

КАШКАБАЕВА ЧУЛПАННОЙ ТУЛКУНОВНА

**ЎТЛОҚИ-БОТҚОҚ ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ЎРТАПИШАР ШОЛИ
НАВЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНИКАСИНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ
(Тошкент вилояти мисолида)**

06.01.08 - Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича ф алсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2. PhD/Qx. 105 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий - тадқиқот институти, Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий - тажриба станциясида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб - саҳифасида (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот - таълим порталида (www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Саимназаров Юлдаш Бекмирзаевич,
биология фанлари доктори, катта илмий ходим .

Расмий оппонентлар: Атабаева Халима Назаровна,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Алиқулов Сафар Минглеқулович,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПТИТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37. e-mail: g.selek@qsxv.uz)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича Хитойда йилига 290,2 млн., Ҳиндистонда 134,2 млн. ва Индонезияда 51 млн. тонна шоли ҳосили етиштирилмоқда. Шолининг экин майдони Ҳиндистонда 44600 минг, Хитойда 30503 минг, Индонезияда 11523 минг, Бангладешда 10700 минг, Таиландда 10048 минг гектарни ташкил этади. Бундан ташқари, Вьетнам, Бирма, Филиппин, Бразилия, Покистон, Нигерия каби мамлакатларда 2,0 - 7,7 млн., Камбоджа, Япония, Непал, АҚШ, Мадагаскар, Жанубий Корея мамлакатларида эса 1 млн. гектардан 2 млн. гектаргача майдонларда етиштирилади.¹

Дунёда шоли етиштирувчи мамлакатларда юқори ва сифатли шоли ҳосили олишда асосий ва такрорий экин сифатида етиштиришнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда шолининг муайян тупроқ-иқлим шароитлари учун яратилган эрта, ўрта ва кечпишар навларининг ҳосилдорлик имконияларидан келиб чиқиб парваришlash агротехнологияси элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шолини турли экин муддат ва меъёрларида етиштириш, гуручнинг шишасимонлиги, ялтироқлиги, қобиклилиги ва бутун гуруч чиқиши каби технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Республикамызда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида янги экин турларини экин ва уларни етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта майдонларининг қисқартирилиши натижасида асосий ва такрорий экин сифатида шоли етиштириш ҳамда ҳар бир минтақа учун шоли уруғчилигини йўлга қўйиш, экин майдонларини кенгайтириш ва аҳолини ушбу маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги яратилган шоли навларининг мақбул экин муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб бориш долзарб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар тартибини оптималлаштириш, сув ва ресурсларни тежайдиган илғор агротехнологияларни жорий этиш» масаласи муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгиланган. Бу борада, шолининг парваришlash агротехник тадбирлари, жумладан, мақбул экин муддатлари ва меъёрларини қўллаш сув миқдори, уруғ сарфини камайтириш самарадорлиги бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281 - сон “2018 йилда қишлоқ

¹<https://www.worldatlas.com>, <https://www.icc.or>

хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шоли ҳосилдорлигига етиштириш агротехникасининг таъсирини ишлаб чиқиш бўйича республикада Х.У.Урманова, Т.Э.Исхаков, Ғ.Н.Рахимов, З.Н.Джуманов, С.Ш.Махмудова, Х.У.Азимов, А.П.Эгамназаров, М.А.Эргашев, А.А.Абдуллаев ва бошқалар ҳамда хорижда К.Г.Сассман, Н.Ф.Шниер, М.Р.Динкуhn, К.Р.Неллар, С.В.Кизинек, А.Х.Шеуджен, Д.В.Ульянов каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, янги яратилган шоли навларининг етиштириш агротехникасини ишлаб чиқишда мақбул экиш муддати ва меъёрларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий - тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий - тадқиқот институти, Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-007-I рақамли “Шолининг “Искандар” навини қуруқликда ва сувда ҳамда кўчат усулида экишни тадқиқ этиш” (2009 - 2011й.) ва ҚХА-7-007-II “Шолининг “Искандар” нави учун мақбул экиш муддати ва озиклантириш меъёрини ишлаб чиқиш” (2009 - 2011й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида янги яратилган ўртапишар “Искандар” ва “Илғор” шоли навларини мақбул экиш муддатлари ва меъёрларида уруғларнинг униб чиқиши ва сақланиш даражасини ошириш ҳамда юқори ва сифатли шоли ҳосили олиш агротехник тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли экиш муддатлари ва меъёрларини шоли уруғининг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига ташқи омилларнинг (об-ҳаво, ёруғлик, иссиқлик) таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари ва меъёрларининг шоли навларининг ўсув даврлари ва ҳосилдор поялар ривожланишига таъсирини ўрганиш;

турли экиш муддатлари ва меъёрларининг шоли ўсимлигининг барг сатҳи ўзгаришига ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш;

турли экиш муддатлари ва меъёрларининг шоли навлари ер устки қуруқ масса тўплашига таъсирини аниқлаш;

турли экиш муддатлари ва меъёрларини шолининг ҳосил структурасига, ҳосилдорликка ва гуручнинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари, шолининг ўртапишар “Авангард” (назорат), “Искандар” ва “Илғор” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар шароитида шолининг ўртапишар навларининг экиш муддатлари ва меъёрларининг униб чиқишга таъсири, тупланиш даражаси, ривожланиши, куруқ масса тўплаши, барг сатҳи ўзгариши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва гуручнинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» (2007), барг сатҳини ўлчаш учун портатив мослама LI-COR 3100 ускунасида, фотосинтез соф маҳсулдорлик А.А.Ничипарович формуласи ёрдамида аниқланди. Ўзбекистон шолчилилик илмий - тадқиқот институтида ишлаб чиқилган услублардан ҳамда гуручнинг технологик кўрсаткичларини аниқлашда бутун гуруч чиқиши (ГОСТ 10846-91), қобиғлиги (ГОСТ 10843-76), шишасимонлиги (ГОСТ 10987-76) асосида олиб борилган. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида истиқболли янги районлаштирилган ўртапишар “Искандар” ва “Илғор” шоли навларининг мақбул экиш муддатлари ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

экиш муддатлари ва меъёрларининг шоли уруғининг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига ташқи омилларнинг (об-ҳаво, ёруғлик, иссиқлик) таъсири ўрганилган;

шолининг янги яратилган ўртапишар “Искандар” ва “Илғор” навлари ўсув даврларининг давомийлиги, ҳосилдор поялар ривожланиши, барг сатҳи ўзгариши, фотосинтез соф маҳсулдорлик ва ер устки куруқ масса тўплашига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири аниқланган;

экиш муддатлари ва меъёрларининг шоли ҳосил структураси, ҳосилдорлик ва гуручнинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

ўртапишар шолининг “Искандар”, “Илғор” навларининг экиш муддатлари ва меъёрлари билан барг сатҳи ($r=0,97-0,98$) ҳамда гуручнинг шишасимонлиги ($r=0,92-0,97$) юқори ижобий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида янги яратилган “Искандар” ва “Илғор” шоли навларини май ойининг II ва III декадаларида 5 млн.дона/га (150 кг) унувчан уруғ ҳисобида экилганда 5-6 центнергача қўшимча шоли ҳосили олишга эришилган, ўртапишар шоли навлари учун 5 млн. дона/га (150 кг) унувчан уруғ меъёрида экиб, майдон бирлигига сарфланадиган сара уруғлик 10 фоизга тежалиши аниқланган;

кечки муддатда “Искандар” навини июнь ойининг I декадасида 4-5 млн.дона/га (120-150 кг) унувчан уруғ ҳисобида экиб, 64,7-62,9 ц/га ҳосил олишга эришилган, ўсув даври давомида кечки муддатда уруғидан экилганда, ташқи таъсир омилларининг (иссиқлик, ёруғлик) салбий таъсирлари кузатилмаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг дала усулларидадан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижалари республика ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, шолчиликда мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини белгилаш агротехнологияси соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончлигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг ўртапишар навларининг экиш муддатлари ва меъёрларининг уруғнинг униб чиқишига, ўсиши, тупланиш даражасига, куруқ масса тўплаши, барг сатҳи ўзгариши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳосил структураларига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўртапишар шоли навларини етиштириш агротехнологиясида мақбул экиш муддатининг аниқланганлиги, майдон бирлигига сарфланадиган уруғ меъёрининг 10 фоиз тежашга эришилгани, олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, ҳосилдорликнинг 4,5-6 ц/гача қўшимча шоли ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси назоратга нисбатан 7,3-6,5 фоиз ортишига эришилганлиги, шолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўртапишар шоли навлари ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрларининг таъсирини аниқлаш борасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар шароитида янги яратилган ўртапишар “Искандар”, “Илғор” шоли навларини етиштиришнинг мақбул агротехникасини Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида 56,1 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 февралдаги 02/21-485-сонли маълумотномаси). Натижада шоли

ҳосилдорлиги гектаридан назоратга нисбатан “Искандар” навида 14,9 центнер, “Илғор” навида 13,2 центнерга ортган;

шолининг “Искандар” ва “Илғор” навларини етиштиришнинг мақбул агротехнологияси Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институти Андижон филиали тажриба даласида жами 31,2 гектар майдонга жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 февралдаги 02/21-485-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида “Искандар” навидан гектарига 12,4 центнер ва “Илғор” навидан 11,6 центнер кўшимча ҳосил олишга эришилган;

шолини “Искандар” ва “Илғор” навларининг мақбул агротехнологиясини Андижон вилояти, Жалакудук тумани “Кўштепалик миришкор шоликор” фермер хўжалигида жами 10,2 гектар майдонга жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 февралдаги 02/21-485-сонли маълумотномаси). Натижада экиш меъёри майдон бирлигида шоли уруғлиги 10 фоизга тежалган ва гектаридан “Искандар” навидан 6,3 центнер, “Илғор” навидан 11,6 центнергача кўшимча шоли ҳосили олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Далада ва лаборатория шароитида олиб борилган дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва Ўзбекистон шолчилик илмий - тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва Халқаро анжуманларда 3 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Шолининг экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи (адабиётлар шарҳи)” деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ривожланган мамлакатларда, жумладан Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, шоли экиш муддатлари ва меъёрининг аҳамияти, шоли ҳосилдорлигига таъсири ҳамда таъсир этувчи ташқи омиллар баён қилинган. Шоли уруғларини дала шароитида униб чиқиш сонига, ўсимликнинг барг сатҳи ва фотосинтетик соф маҳсулдорлигига, илдиз қисмининг ривожланишига, қуруқ масса тўплашига, шоли ҳосилига, доннинг технологик сифат кўрсаткичларига, шоли етиштириш агротехникасининг самарадорлигига турли омилларнинг таъсири борасида юртимиз ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Ушбу бўлимнинг сўнги саҳифасида мавзу бўйича олиб борилган изланишлар натижаларида ҳозирги кунда шоли етиштириш экиш муддатларига ва меъёрларига боғлиқ ҳолда янги яратилган шоли навларини етиштириш агротехикасини илмий асослаб бериш, шунингдек унинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш шолчиликда долзарб масалалардан бири сифатида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услуги» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар ўтказилган Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Дон ва дуккакли экинлар илмий – тадқиқот институти, Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси, Илмий элита тажриба участкаси тупроқлари ўтлоқи-ботқоқ тупроқдан иборат бўлиб, тажриба даласи тупроғининг ҳайдалма қатлами асосий озика элементлар билан ўрта даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Тадқиқотлар олиб борилган йилларда шолининг вегетация даврида табиий иқлим шароити ўртача кўп йилликка нисбатан юқори бўлиб, ўсимликнинг вегетатив органларини ривожланиши учун мақбул келганлиги, лекин, гуллаш даврида ҳаво ҳароратининг кўтарилиб кетиши салбий таъсир этганлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, изланишларда меъёрлар бўйича униб чиқиш пайтида ва унинг сақланиш даражасини аниқлашнинг охириги ҳисоб-китоби ижобий, муддатлар бўйича шоли уруғи экилгандан сўнг +12-14 кун ўтган даврда ҳаво ҳарорати жуда мақбул келганлиги кузатилди. Бинобарин, ўртача ҳаво ҳарорати +18-22 °С бўлиши шоли уруғларини тез униб чиқишига замин яратганлиги баён қилинган.

Тадқиқотлар 2010-2012 йилларда тасдиқланган дастур асосида Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти, Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий-тажриба станциясида бажарилган.


Илмий элита тажриба даласида олиб борилганлиги диссертация матнида баён қилинган. Тадқиқот олиб борилган йилларда шоли навларида экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда шоли уруғларининг униб чиқиш ва сақланиш даражаси, тўлиқ майса олиши, мақбул ҳаво ҳароратига боғлиқ эканлиги аниқланган.

Тажрибалар диссертация иши дастурига мувофиқ олиб борилганлиги ва тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган ҳамда қўлланилган агротехник тадбирлар хусусиятлари, ўрганилган шולי навларининг морфобиологик тавсифлари баён этилган.

Шоли экиш муддатлари ва меъёрларида барча навларда ҳаво ва сувнинг ҳароратига, куннинг иссиши туфайли экилган уруғларнинг униб чиқиш даражаси юқорилиги кўрсатилган бўлсада, шולי уруғларини турли муддатларда ва меъёрларда экиш ҳосил структураларига таъсир этиб, натижада шולי навларнинг ўсув даври орасида 2-5 кунга фарқ қилиши кузатишган.

Айтиш жоизки, экиш 5-15 май муддатларида экилган шולי уруғларини униб чиқиш даражаси 3- 4 фоиз камайган, кеч (25 май ва 5 июнь) муддатларда эса униб чиқиш тезлашиб, ўсимликнинг ўсув даври 5-7 кунга қисқариши кузатишган.

Диссертациянинг **“Ўртапишар шולי навларининг ўсиш, ривожланиш фазаларига экиш муддатлари ва меъёрларини таъсири”** деб номланган учинчи бобида, шולי экиш муддатлари ва меъёрлари уруғларнинг униб чиқиш ва сақланиш даражасига таъсири, йилларга мос равишда 55,2-54,8-56,4 фоизни ташкил этган ҳолда мақбул экиш муддатида бошқа муддатларга нисбатан униб чиқиш даражаси 4-5% юқори эканлиги кўрсатиб ўтилган. «Искандар» шולי бошқа навларга нисбатан униб чиқиш ва сақланиш даражаси 3-5% юқори эканлиги таъкидлаб ўтилган.



1-Расм. Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати, °C (2010 - 2012 йй.)


Тадқиқотларда турли экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда шולי уруғининг униб чиқиш ва сақланиш даражаси ҳам ўрганиб борилган. Бунда, шолени эрта муддатларда экилиши кўчатларни сийрак бўлишига сабаблиги, лекин сақланиш даражаси, тупланиш сони кўп бўлиши аниқланди.

Барча экиш меъёрларида ҳамма экилган муддатларда уруғларнинг униб чиқиши мутаносиб равишда 2-4 кунга фарқ қилди, ҳаво, тупроқ ва сув

хароратининг юқорилигига қараб униб чиқиш ва кўчат сони ортиб борди. Фойдали ҳаво ҳарорати майсалаш фазасида 5 май муддатида 181+265⁰С ни, 15 май муддатида 130+269 ⁰С, 25 май муддатида 113+213 ⁰С, 5 июнь муддатида эса 136+197⁰С ни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Тажрибанинг қолган йилларида ҳам бу кўрсаткич 1-3 кунга фарқ қилиб, 2011 йилда 5 май муддатида экилган шоли уруғимиз 10-11 кунда униб чиқиб, фойдали ҳаво ҳарорати 192+254 ⁰С, 15 май муддатида 8-10 кун, 122+267 ⁰С, 25 май муддатида 6-8 кун, 113+203 ⁰С, 5 июнь муддатида 5-7 кун, 130+194 ⁰С, 2012 йилда 5 май муддатида экилган шоли уруғимиз 9-11 кунда униб чиқиб, фойдали ҳаво ҳарорати 202+272 ⁰С, 15 май муддатида 8-10 кун, 136+249 ⁰С, 25 май муддатида 6-8 кун, 120+246 ⁰С, 5 июнь муддатида 5-7 кун, 141+202 ⁰С ни ташкил этган.

Тажрибада тўртта муддат бўйича олиб борилган илмий изланишлардан кўриниб турибдики, барча навларда ҳам энг оптимал муддат май ойининг III ўн кунлиги ва июн ойининг I ўн кунлигида шоли уруғларининг униб чиқиш даражаси юқори бўлган.




2-Расм. Шолининг гуллаш даврида кунлик ҳаво ҳарорати, °C (2010 - 2012 йй.)

Олиб борилган тадқиқот нитажаларидан келиб чиққан ҳолда, шуни ҳулоса қилиш мумкинки, ҳаво ҳарорати, ёруғлик, иссиқлик ҳамда ташқи омилларнинг юқорилиги уруғларнинг унувчанлик даражасига ижобий таъсир этиб, назоратга нисбатан ўрганилаётган “Искандар” ва “Илғор” шоли навларида шоли кўчатларининг сони ва сақланиш даражаси 2,4-2,1 % кўп бўлиши аниқланди.

Тажриба олиб борилган йилларида барг сатҳини кўрсаткичлари қолган фазаларга нисбатан рўваклаш фазасида юқори бўлди. Ҳамма вариантлар бўйича “Илғор” шоли навининг кўрсаткичлари қолган навларга нисбатан 2,7-3,1 см² юқори бўлди, 25 май муддатида 4 млн. дона/га унувчан уруғ экилган вариантда тупланиш фазасида барг сатҳи битта ўсимликда 84,7 см², рўваклаш фазасида 218,3 см², 5 млн. дона/га унувчан уруғ экилган вариантда


тупланиш фазасида 75,8 см², рўваклаш фазасида 208,7 см², 6 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда тупланиш фазасида 70,9 см², рўваклаш фазасида 194,5 см², ни ташкил этди.




3.-расм Шолининг “Искандар” навида фазалар бўйича барг сатҳининг ўзгариши, см²/ўсимлик

А-5 май, В- 15 май, С-25 май, D-5 июнь муддатларида экилган вариантлар.


Фотосинтез соф маҳсулдорлик аниқланганда, шолининг Авангард навида 25 май муддатида 4 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда найчалош фазасида 0,80 г/м² кун, рўваклаш фазасида 3,30 г/м² кун, 5 млн. дона/га унувчан уруғ экилган вариантда найчалош фазасида 0,8 г/м² кун, рўваклаш фазасида 3,62 г/м² кун, 6 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда эса найчалош фазасида 0,79 г/м² кун, рўваклаш фазасида 2,58 г/м² кунни ташкил этган.



4 млн




5 млн




6 млн


4-Расм. “Искандар” шоли навининг барг сатҳи билан экиш муддатлари ва меъёрлари орасидаги корреляцион боғлиқлик



4 млн



5 млн



6 млн

5 -Расм. “Искандар” шоли навининг технологик сифат кўрсаткичларидан гуручнинг шишасимонлиги билан экиш муддатлари ва меъёрлари орасидаги корреляцион боғлиқлик

Шолининг “Искандар” навида 25 май муддатида 4 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда найчалаш фазасида 1,19 г/м² кун, рўваклаш фазасида 4,04 г/м² кун, 5 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда найчалаш фазасида 1,29 г/м² кун, рўваклаш фазасида 2,78 г/м² кун, 6 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда эса найчалаш фазасида 1,39 г/м² кун, рўваклаш фазасида 1,87 г/м² кунни ташкил этган.

Шолининг “Илғор” навида 25 май муддатида 4 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда найчалаш фазасида 0,97 г/м² кун, рўваклаш фазасида 7,48 г/м² кун, 5 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда найчалаш фазасида 1,06 г/м² кун, рўваклаш фазасида 5,51 г/м² кун, 6 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда найчалаш фазасида 1,20 г/м² кун, рўваклаш фазасида 4,83 г/м² кунни ташкил этди. Яъни, ўсимлик униб чиқиб, фазадан фазага ўтиши билан барг сатҳи параллел равишда катталашиб боради.

Бу шундан далолат берадики, бошланғич вегетация даврларида “барг ўзи учун ишлайди” қачонки, ўсимлик яхши ривожланиб, барг сатҳи катталашиб борганда, фотосинтез процесси тезлашиб боради, бу эса ўсимликда фотосинтетик соф маҳсулдорлик жараёнини фаоллаштиради.

Фотосинтез соф маҳсулдорлик ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланишига, ўсимлик органларининг тўлиқ ўз вақтида шаклланишига, бу эса ҳосилдорликни оширишга ижобий таъсир кўрсатиши тажриба йилларида олинган маълумотларда аниқланди.

Фотосинтез соф маҳсулдорликни ортиб бориши умумий биомасса ва поянинг вазнига тўғри пропорционал.

Хулоса қилиб айтганда, дон ҳосилдорлигини оширишда барг сатҳи ўлчовининг меъёрида бўлишини таъминлаш керак. Барг сатҳи энг юқори кўрсаткичга етказилганда фотосинтез соф маҳсулдорлик, умумий биомасса ва поя вазни ортиши тажрибаларда аниқланган.

Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида олинган маълумотларга кўра май ойининг биринчи ўн кунлигида экилган шоли уруғлари рўваклаш фазасида барг, поя, илдиз қисмларининг қуруқ масса тўплаши 25 май муддатида экилган шоли уруғи бошқа вариантларга нисбатан 0,40-0,51 г/ўсимликка юқори эканлиги аниқланган (1-2-жадваллар).

1-жадвал

“Искандар” шоли навида ўсимликнинг қуруқ масса тўплаши, г/ўсимлик (2010 - 2012 йй.)

Экилган муддат	экиш меъёрлари млн.дона/га, кг	Униб чиқиш	Тупланиш	Найчалаш	Рўваклаш	Мум пишиш
5 май	4 млн/120кг	0,08	1,81	4,17	7,17	11,53
	5 млн/150кг	0,09	1,68	4,11	6,24	10,10
	6 млн/180кг	0,08	1,62	3,96	5,86	9,97
15 май	4 млн/120кг	0,07	1,78	4,13	7,21	11,83
	5 млн/150кг	0,07	1,67	4,07	6,20	11,23
	6 млн/180кг	0,07	1,57	3,89	5,68	9,77
25 май	4 млн/120кг	0,08	1,75	4,09	7,13	11,90
	5 млн/150кг	0,08	1,65	4,05	6,33	11,30
	6 млн/180кг	0,09	1,54	3,80	5,67	9,93
5 июнь	4 млн/120кг	0,07	1,71	4,04	5,56	10,97
	5 млн/150кг	0,07	1,64	3,94	5,03	10,37
	6 млн/180кг	0,07	1,51	3,66	4,61	9,43

Лекин, 25 май муддатида экилган вариантларда мум пишиш фазасида генератив органларининг ривожланиши қуруқ масса тўплаши қолган вариантларга нисбатан 1,1-1,3 г/ўсимлик кўпроқ бўлди. Яъни, назорат “Авангард” навида нисбатан синалаётган “Искандар” ва “Илғор” навлар қуруқ масса тўплаши рўваклаш фазасида 1,2-1,4 г/ўсимлик, мум пишиш фазасида 1,5-1,7 г/ўсимлик юқори бўлди.

Тадқиқотларда шоленинги қуруқ массасига нисбатан муддатлар бўйича таҳлил қилинганда май ойининг биринчи ўн кунлигида экилган шоли уруғларининг вегетатив органларининг қуруқ масса тўплаши 25 май муддатида экилган шоли уруғига нисбатан ҳамма навларда 1,1-1,4 г/ўсимлик миқдорида юқори бўлди. Экилган шоли уруғи қанчалик кўп миқдорда иссиқлик, ёруғлик, озика билан таъминланса, шунга параллел равишда ўсимликнинг танасидаги ривожланиш юқори бўлганлиги кузатилди.

Шоли ўсимлигининг биологиясидан келиб чиқиб, “Илғор” навида қолган шоли навларига нисбатан қуруқ масса тўлаши поя, барг қисмлари 1,0-1,3 г/ўсимликка кўп бўлди. Лекин, қуруқ масса кўп бўлгани ҳолда “Искандар” навининг ҳосил элементларининг шаклланиши, ҳосилдорлиги юқори бўлди.

Йиллар бўйича солиштирилганда 2011 йили ўсимликнинг қуруқ масса тўплаши қолган йилларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Чунки, ҳаво ҳароратининг иссиб кетиши шоли ўсимлигининг вегетатив органларининг ривожланишига ижобий, рўвақнинг ривожланишига, гуллаш фазасининг

тўлиқ ўтишига, рўвак тўлиқ чангланмай қолиб пуч донлар сони кўп бўлишига айнан ташқи таъсир омиллари иссиқликнинг +36 °С даражадан ошиб кетганлиги салбий таъсири кузатилди.

2-жадвал

Илғор шоли навида ўсимликнинг қуруқ масса тўплаши, г/ўсимлик (2010 - 2012 йй.)

Экилган муддат	экиш меъёрлари млн.дона/га, кг	Униб чиқиш	Тупланиш	Найчалаш	Рўваклаш	Мум пишиш
5 май	4 млн/120кг	0,10	1,90	4,25	7,57	12,43
	5 млн/150кг	0,10	1,78	4,20	6,73	11,60
	6 млн/180кг	0,09	1,68	4,09	6,23	10,47
15 май	4 млн/120кг	0,10	1,89	4,17	7,54	12,20
	5 млн/150кг	0,11	1,78	4,12	6,68	11,53
	6 млн/180кг	0,10	1,64	4,02	6,11	10,13
25 май	4 млн/120кг	0,10	1,86	4,14	7,50	12,17
	5 млн/150кг	0,10	1,78	4,10	6,78	11,23
	6 млн/180кг	0,10	1,63	3,97	5,96	10,23
5 июнь	4 млн/120кг	0,09	1,83	4,08	6,39	11,23
	5 млн/150кг	0,10	1,74	3,99	5,83	10,80
	6 млн/180кг	0,09	1,60	3,82	5,21	9,97

Бу айнан шоли гуллаган даврга тўғри келиши яъни июль ойининг III ўн кунлиги ва август ойининг I ўн кунлигида содир бўлиши тажриба йилларида аниқланди. Бунда ўсимликнинг қуруқ массаси кўп бўлсада, ҳосилдорлиги паст бўлиши йиллар бўйича олинган маълумотларда яққол ўз аксини топди.


Диссертациянинг «**Экиш муддатлари ва меъёрларини ўртапишар шоли навларининг биометрик кўрсаткичларига ҳамда ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобда тажрибада ўрганилаётган янги яратилган шоли навларининг ҳосилдорлиги “Авангард” (назорат) навига нисбатан 8-14 ц/га юқори бўлган.

Изланишларнинг биринчи (2010) йилида “Искандар” навида энг юқори ҳосилдорлик 25 ва 15 май муддатларида 5 млн. дона/га экилганда (89,5 ва 88,2 ц/га) , “Илғор” навида ҳам 15-25 май муддатларда (79,0 ва 72,5 ц/га) ни ташкил этган.

“Илғор” навида шоли ҳосили эса 5 май муддатида экиш меъёрига (4; 5 ва 6 млн.дона/га) мутаносиб 64,8; 69,9 ва 70,0 ц/га ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичлар 15 май муддатида 76,4; 79,4 ва 76,2 ц/га ни, 25 май муддатида 69,5; 73,6; ва 73,7 ц/га, 5 июнь муддатида эса 55,1; 57,3 ва 56,4 ц/га ни ташкил қилган.

Назорат “Авангард” навида 5 май муддатида экиш меъёри 4 млн.дона/га (120 кг) экилган вариантда ҳосилдорлик 59,3 ц/га, 5 млн.дона/га (150 кг), 62,1 ц/га, 6 млн. дона/га (180 кг) 62,0 ц/га ни ташкил этган бўлса, ушбу вариантга нисбатан 15 май муддатида экиш меъёрларига мутаносиб равишда 2,0; 1,4 ва 8,5 ц/га, 25 май муддатида 0,5; 1,6 ва 2,6 ц/га шоли ҳосили юқори бўлган бўлса, 5 июнь муддатида эса 4,5,6 млн/дона экилган вариантларда 6,5; 8,2; 7,6 ц/га кам, бўлганлигини кўрсатди. Экиш муддатлари кечикишининг ўсимликни вегетатив органларига салбий таъсир этмаган бўлсада, лекин ҳосил структураларининг ривожланишига таъсир этган. Кечки муддатларда

экилган вариантларда ҳамма синалаётган шоли навларида ҳосилдорлик 7,9-10,2 ц/га пасайганлиги кузатилди.



7-Расм. Ўртапишар шоли навларининг дон ҳосилдорлигига турли экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири, ц/ га (ўртача уч йиллик 2010 - 2012 йй)

2011 йилда ўтказилган тажрибада ҳаво ҳарорати ўртача кўп йилликка нисбатан, айниқса, шоленинг гуллаш даврида юқорлиги билан фаркланиб турганлиги яъни, шоли гуллаган даврда июль ойининг III ўн кунлиги ва август ойининг I ўн кунлигида бошқа йилларга нисбатан ўртача ҳаво (+36 °C) ҳароратига нисбатан +7-11°C юқори бўлганлиги кузатилган. Бунинг натижасида тажрибанинг қолган йилларига нисбатан ҳосилдорлик ҳамма навларда 8-10 ц/га паст бўлган. Назоратга нисбатан ҳам бу кўрсаткич вариантлар бўйича 7-11 ц/га ни ташкил этган.

Олиб борилган тажриба натижаларининг кўрсатишича, янги районлаштирилган шоли навларининг техник кўрсаткичлари назоратга нисбатан гуруч чиқиши 2,6-3,3 фоизга кўп бўлди. Навлараро таққосланганда “Искандар” нави гуручининг техник кўрсаткичлари бошқа навларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди. Экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича солиштирилганда, 5 май муддатида 4 млн.дона/га (120 кг) унувчан уруғ экилган вариантда навлар бўйича шишасимонлиги юқори бўлди ва “Авангард” навида 88,5 фоиз, “Искандар” 92,7 фоиз, “Илғор” 90,3 фоиз ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич 5 июнь муддатида 6 млн дона/га (180 кг) экилган вариантда “Авангард” 82,0 фоиз, “Искандар” навида 84,5 фоиз, “Илғор” навида 83,7 фоиз га шишасимонлик даражасини кўрсатди. Ўсимлик ривожланишида эрта муддатларда экилганда вегетация даври тўлиқ ўтаган ўсимлик, иссиқликдан, ёруғликдан кўп танасига сингдирилса, гуручнинг шишасимонлиги шунча юқори бўлишлиги аниқланган.

Бутун гуруч чиқиши эса экиш меъёрларига боғлиқ бўлиб, қанчалик сийрак экилса шунча тупланиш юқори бўлади, шунинг ҳисобига асосий поядаги рўвак донидан ён шохлардаги рўвак ва дон ўлчамлари кичик бўлиши кузатилди.

Энг яхши кўрсаткич бутун гуруч чиқишида 25 май муддатида 6 млн. дона/га (180 кг) экилган вариантда “Авангард” навида 91,3 фоиз, “Искандар” навида 94,5 фоиз, Илғор 92,3 фоиз ни ташкил этди.

Бир гектар майдонга сарфланган ҳаражатларни аниқлашда, уруғликнинг баҳоси маъданли ўғитлар, кимёвий моддалар (гербицидлар, фунгицидлар ва бошқалар), тупроққа ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш, донни ташиш ва тозалаш, меҳнат ҳақи, қишлоқ хўжалиги машиналарини жорий таъмирлаш ва амортизация, ёнилғи - мойлаш ва суғурта ҳаражатлари ҳисоблаб чиқилган.

Етиштирилган маҳсулотнинг ялпи баҳоси, 1 гектар экинзорга сарфланган ҳаражатлар, етиштирилган 1 килограмм доннинг таннархи, 1 гектардан олинган шартли соф фойда, рентабеллик даражаси экиш муддатларига ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб борди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, 1 гектар майдондан олинган ялпи маҳсулотни сотишдан келган даромад мақбул экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ эканлиги маълум бўлди. “Искандар”, “Илғор” навларидан мақбул экиш муддати ва меъёрида энг юқори даромад олинди. “Искандар” навидан 5 млн.дона/га (150 кг) уруғ экилганда мақбул муддатда (25 май) 8082100 сўм, “Илғор” навидан энг юқори даромад 5 млн.дона/га (150 кг) уруғ экилганда мақбул муддатда (15 май) 7943700 сўм олинган.

Ҳосилдорлик ўртача уч йилликда “Искандар” навида 84,4 ц/га бўлиб, маҳсулот етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар вариантлар ва навлар бўйича бир хил бўлиб, муддатлар бўйича фарқ йўқ, лекин экиш меъёрлари бўйича фарқ бўлиб 4 млн.дона/га (120 кг) унувчан уруғ экилган вариантда “Авангард”, “Искандар”, “Илғор” навларида 5350,2 минг сўм, 5 млн.дона/га (150 кг) унувчан уруғ экилган вариантда 5455,2 минг сўмни, 6 млн.дона/га (180 кг) 5560,2 минг сўмни ташкил этган.

Шартли соф фойда “Искандар” навида 2626,9 минг сўм, “Илғор” навида 2488,5 минг сўмни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1148,6-1010,2 минг сўм юқори бўлган. Рентабеллик даражаси “Искандар” навида 48,2 фоиз, “Илғор” навида 45,6 фоизни ташкил этиб, назоратга нисбатан 21,6-19 фоизга юқори бўлди, энг мақбул муддат ва меъёрларда назоратга нисбатан 2,3-2,1 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Экиш меъёрлари таҳлил қилинганда, тавсияга асосан 6 млн.дона/га (180 кг) унувчан шоли уруғи ўрнига 5 млн.дона/га (150 кг) экилганда ҳам юқори ҳосил олинди, 10 фоиз сара уруғ иқтисод қилинган.

ХУЛОСАЛАР

Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида янги районлаштирилган ўртапишар “Искандар” ва “Илғор” шоли навларини экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Шолининг янги яратилган ўртапишар “Искандар” ва “Илғор” навларида энг мақбул маълумотлар май ойининг II (15-май), III (25-май) ўн кунлигида кузатилиб, экилган шоли уруғлари бошқа муддатларга нисбатан тез, яъни 6-9 кунда униб чиққан бўлса, ушбу кўрсаткичлар 5 июнь муддатида 6-8 кунни, 15 май муддатида 8-10 кунни ва 5 май муддатида 10-12 кунни

ташкил этди. Экиш муддатлари бўйича ҳаво ва тупроқ ҳароратининг кўтарилиб бориши экилган шоли уруғининг униб чиқиш даражасига ижобий таъсир этиб, барча навларда ҳам май ойининг III декадаси (25 май) муддатида энг юқори унувчанлик 5 млн дона/га (150 кг) вариантда (150 кг) 52-56 фоиз бўлиб, экишнинг бошқа муддатларига нисбатан 1-2 фоиз юқорилиги билан тавсифланади.

2. “Искандар” шоли навида 1 м² майдондаги униб чиққан кўчат сонининг энг юқори кўрсаткичлари май ойининг III ва II ўн кунлигида кузатилиб, 4 млн.дона/га (120 кг) вариантда 216 ва 225 донани, 5 млн.дона/га (150 кг) вариантда 269 ва 281 донани, 6 млн.дона/га (180 кг) вариантда эса 325 ва 330 донани ташкил этди. “Илғор” шоли навида ҳам 1 м² майдондаги униб чиққан кўчат сонининг энг мақбул кўрсаткичлари Май ойининг III ва II ўн кунлигида кузатилган бўлсада, “Искандар” навига нисбатан 4 млн.дона/га вариантда (120 кг), 3; 4; донага, 5 млн. дона/га (150 кг), вариантда 2; 3; донага, 6 млн.дона/га (180 кг) вариантда эса 4-5 донага кам эканлиги аниқланди.

3. Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида олинган маълумотларга кўра назорат вариантыда ҳам синалаётган навларда ҳам май ойининг биринчи ўн кунлигида экилган шоли уруғлари мум пишиш фазасида, илдиз қисмларининг қуруқ масса тўплаши 4 млн.дона/га (120 кг) унувчан уруғ экилган вариантларда 5-6 млн.дона/га (150-180 кг) унувчан уруғ экилган вариантларга нисбатан 0,3-0,5 г/ўсимлик га юқори эканлиги кузатилди.

4. Барг сатҳи тўғрисидаги энг юқори кўрсаткичлар “Илғор” шоли навида кузатилиб, “Искандар” навига нисбатан 25 майда 4 млн.дона/га (120 кг) унувчан уруғ экилган вариантда тупланиш фазасида 0,9 см²/ўсимлик, найчалаш фазасида 29,7 см²/ўсимлик, рўваклар фазасида 13 см²/ўсимлик, гуллаш фазасида 25 см²/ўсимлик ва мум пишиш фазасида 31,1 см²/ўсимлик юқори бўлсада, ушбу фарқ 5 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда ривожланиш фазалари бўйлаб, 0,9; 36,1; 18,8; 27,4 ва 24,2 см²/ўсимлик, 6 млн.дона/га (180 кг) унувчан уруғ экилган вариантда эса 4,1; 45,9; 22,9; 34,4 ва 21,1 см²/ўсимликни ташкил этди. Тадқиқотларда ўрганилган барча шоли навларида ҳам энг юқори фотосинтетик соф маҳсулдорлик (3,37-8,25 г/м² кун) рўваклар фазасида аниқланди.

5. Шоли ҳосилини белгилашда муҳим бўлган, ҳосил структураларини шаклланиши май ойининг III декасида “Искандар” навини 5 млн.дона/га (150 кг) унувчан уруғ экилган вариантда қолган барча вариантларга нисбатан юқори бўлди (1 рўвак оғирлиги 3,53 грамм; 1 рўвакдаги дон сони 117 дона: шундан 106 дона тўлик, 11 дона пуч; 1000 дона дон оғирлиги 33,1 грамм). Маҳсулдор поялар сони экиш муддатлари кечиктирилгани сари 0,7-1,1 фоизга камайганлиги аниқланди. Экиш меъёрлари ёки уруғ сарфи маҳсулдор поялар сонига жиддий таъсир этди. Аммо бу таъсир кечки экиш 5-июнь муддатида рўвакнинг оғирлиги ва 1000 та дон вазнида 1,2-1,3 гр кам бўлганлиги тажрибаларда аниқланди. Уруғ экиш муддатининг кечиктирилиши, кўчат қалинлигини оширди, поя бўйи эса 8-11 см га пасайиб

борди. Буни ўсимликларда фотосинтез жараёни, озикланиш майдони турлича бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

6. Изланишларда ўрганилаётган ҳар икки “Искандар” ва “Илғор” навида ҳам энг юқори шоли дони ҳосили 15 - 25 май муддатида 5 млн.дона/га (150кг) унувчан уруғ экилган вариантда 80,8 ва 73,6 ц/га ни ҳамда 15 майда ушбу кўрсаткичлар 78,7 ва 78,4 ц/га ни ташкил этди. 2011 йили шоли гуллаган даврда (июль ойининг III ўн кунлиги ва август ойининг I ўн кунлигида) бошқа йилларга нисбатан ҳаво (36 °C) ҳароратига нисбатан 7-11 °C юқори бўлди. Бу эса шоленинг чангланиш жараёнларига салбий таъсирини кўрсатди ва тажрибанинг қолган йилларига нисбатан ҳосилдорлик ҳамма навларда 8-10 ц/га паст бўлди.(Искандар навида кўпроқ таъсир кўрсатди)

7. Ўртапишар шоленинг “Искандар” ва “Илғор” навларининг донини техник сифат кўрсаткичлари назоратга нисбатан гуруч чиқиши 2,6-4,2 фоиз юқори бўлди. Энг паст кўрсаткич 5 июнь муддатида 6 млн.дона/га (180 кг) экилган вариантда 82,0 фоиз, “Искандар” 84,5 фоиз, “Илғор” 83,7 фоиз шишасимонлик даражасини кўрсатди. Ўсимлик ривожланишида қанчалик эрта муддатларда экилиб, ўсув даврини тўлиқ ўтаса, иссиқликдан, ёруғликдан кўп танасига сингдирса, гуручнинг шишасимонлиги шунча юқори бўлишлиги тажрибада аниқланди.

8. Сотишдан тушган даромад минг сўм/га ҳисобида мақбул экиш муддати ва меъёрларида «Искандар» навида 25 май муддати, 5 млн.дона/га (150 кг) унувчан уруғ экилган вариантда 8082100,0 сўм/га, «Илғор» навида 15 май муддати, 5 млн.дона/га (150 кг) унувчан уруғ экилган вариантда 7356200,0 сўмни ташкил этиб назоратга нисбатан 1043600,0-905200,0 сўмга юқори бўлди. Шартли соф фойда «Искандар» навида 2626900,0 сўм, «Илғор» навида 2488500,0 сўмни ташкил этиб назоратга нисбатан 1148600,0 – 1010200,0 сўм юқори бўлди. Рентабеллик даражаси «Искандар» навида 48,2 фоизни, «Илғор» навида 45,6 фоизни ташкил этиб, назоратга нисбатан 21,6-19 фоизга юқори бўлди. Энг мақбул муддат ва меъёрларда назоратга нисбатан 1,71 -1,59 т/га кўшимча ҳосил олинди. Экиш меъёрлари таҳлил қилинганда тавсияга асосан 6 млн/ дона га унувчан шоли уруғи ўрнига 5 млн.дона/га (150 кг) экиб, ҳам юқори ҳосил олиниб, 10 % сара уруғ иқтисод қилинди. Республикамизнинг ўтлоқи - ботқоқ тупроқлари шароитида ўртапишар «Искандар» ва «Илғор» шоли навларини асосий экинда 5 млн.дона/га (150 кг) унувчан уруғ ҳисобида экиб, юқори ҳосил олиш мумкин. Шунда гектаридан 1 кг шоли уруғи 3500 сўм бўлганда 105000-103500 сўм/га иқтисод қилинади.

9. Тошкент вилояти ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида янги яратилган ўртапишар “Искандар” ва “Илғор” шоли навларининг асосий экинда мақбул экиш муддати май ойининг II ва III (15-25 май) декадасида 5 млн.дона/га (150 кг) унувчан уруғ меъёрида экиш тавсия этилади. Тошкент вилоятининг ўтлоқи - ботқоқ тупроқлари шароитида янги яратилган ўртапишар “Искандар” шоли навини кечки муддат июнь ойининг I декадасида 4-5 млн.дона/га (120-150 кг) унувчан уруғ меъёрида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗЕРНА И
ЗЕРНАБОБОВЫХ КУЛЬТУР
ТАШКЕНТСКАЯ НАУЧНО-ОПЫТНАЯ СТАНЦИЯ РИСА, ЗЕРНА И
ЗЕРНАБОБОВЫХ КУЛЬТУР**

КАШКАБАЕВА ЧУЛПАНОЙ ТУЛКУНОВНА

**ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ АГРОТЕХНИКИ ВЫРАЩИВАНИЯ НА
УРОЖАЙНОСТЬ СРЕДНЕСПЕЛЫХ СОРТОВ РИСА В УСЛОВИЯХ
ЛУГОВО - БОЛОТНЫХ ПОЧВ
(на примере Ташкентской области)**

06.01.08 - Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.2.PhD/Qx105

Диссертация выполнена в «Научно – исследовательском институте зерна и зернобобовых культур», «Ташкентская научно – опытная станция риса, зерна и зернобобовых культур»

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Саимназаров Юлдош Бекмирзаевич**

доктор биологических наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Атабаева Халима Назаровна**

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Аликулов Сафар Менгликулович

кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Самаркандский сельскохозяйственный институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01. при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Батаника, ул УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37. e-mail: g.selek@qsxv.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № __). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Батаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2018 года.)

Ш.Ж.Тешаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мировом разрезе объем урожая риса в год в Китае составляет 290,2 млн. тонн, в Индии – 134,2 млн. тонн и в Индонезии – 51 млн. тонн. В Индии для посева риса отведена площадь размером в 44600 тыс. гектаров, в Китае – 30503 тыс., в Индонезии – 11523 тыс., в Бангладеш – 10700 тыс., в Таиланде – 10048 тыс. гектаров. Кроме того, рис выращивается в таких странах, как Вьетнам, Бирма, Филиппины, Бразилия, Пакистан, Нигерия на площади от 2,0 до 7,7 млн. гектаров, в Камбодже, Японии, Непале, США, Мадагаскаре, Южной Корее рисовые поля занимают от 1 млн. до 2 млн. гектаров площади¹.

Во всех странах-производителях риса, для получения высококачественной продукции, отдельное внимание уделяется исследованиям по разработке оптимальных сроков и норм возделывания основных и повторных посевов. Так, важное значение имеет вопрос разработки элементов агротехнологии по уходу за посевами, исходя из урожайных возможностей раннеспелых, среднеспелых и позднеспелых сортов риса, созданных для возделывания на определенных почвенно-климатических условиях. Актуальным вопросом является не только возделывание риса при разных сроках и нормах посева, а так же определение технологических показателей качества, таких как стекловидность, плёнчатость и целостность риса.

В последние годы в нашей республике уделяется отдельное внимание разработке ресурсосберегающих технологий возделывания новых видов сельскохозяйственных культур. В результате сокращения площадей под хлопчатник осуществляются широкомасштабные меры по возделыванию риса в качестве основной и повторной зерновой культуры, налаживанию рисового семеноводства в каждом регионе, расширению площадей для посева и бесперебойному обеспечению населения готовой продукцией. Исследования по разработке оптимальных сроков и норм посева новых сортов риса являются актуальными. Так, в «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», утвержденной Президентом страны, в качестве одной из важнейших стратегических задач указано об «оптимизации порядка посевных площадей и сельскохозяйственных культур, внедрение передовых ресурсосберегающих агротехнологий». В данном направлении важная роль отводится научным исследованиям по применению агротехнологии возделывания риса, в частности, оптимальных сроков и норм посева, достижению эффективности сокращения расхода воды и семян.

